



№ 14/03-14

«30» Янв. 2018 й.г.

Соғлиқни сақлаш вазири  
А.Қ.Шадмановга

### ДЕПУТАТ СЎРОВИ

Ушбу депутат сўрови Сизга “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунинг 12-моддаси ва “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 15-моддасига асосан юборилмоқда

#### Хурматли Алишер Қаюмович!

Жорий йилнинг 13-20 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда навбатдаги сайловчилар билан учрашувларини ташкил этиб, унда аҳоли орасидаги муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишди. Ҳудди шу тартибдаги ўрганишлар Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида ҳам ўтказилди.

Ўрганиш давомида Чилонзор туманида шаҳар клиникаларида имтиёзли даволаниш учун ажратиладиган ордерларнинг етишмаслиги туфайли туман ҳудудида жойлашган 7 та оилавий поликлиникаларнинг барчасида “кундузги стационар”ларнинг ташкил қилинишига эҳтиёж катта эканлиги аниқланди.

Ҳозирги вақтда бундай шароит фақатгина 36-сонли поликлиниканинг филиалида мавжуд эканлиги ва тумanning бошқа ҳудудидаги аҳоли учун ҳар куни бориб муолажалар олиш ноқулайлиги ва ташкил қилинган ётоқ жойларининг етишмаслиги маълум бўлди.

Шу муносабат билан Сиздан мазкур масалада яъни туман ҳудудидаги оилавий поликлиникаларнинг барчасида “кундузги стационар”лар ташкил қилиниши борасида вазирлик томонидан қандай чора-тадбирлар амалга оширилиши режалаштириляётганлиги юзасидан 15 кун ичида ёзма ахборот беришингизни сўрайман.

Хурмат билан,

Депутат

Д.Файзиева